

## Жинларнинг одамлар жисмига таъсири борми?



09:11 / 31.10.2018 6754

**Баъзи ёмон жинларнинг одамларга таъсири бўлиши мумкин, дейишади уламоларимиз.**

Бунда кўпроқ одамнинг ўзи айбдор бўлади. Жинлар одамлардан ўзларига ишонганларига, васвасага учганларига, хаёлида турли салбий ҳолатларни ўйлаб юрганларига, жинлардан ёрдам сўраганларига, Аллоҳ таолонинг зикридан ва Қуръони карим тиловатидан ғофил бўлганларига, жинлардан сақланиш учун ўқилиши лозим бўлган дуоларни ўқимай юрганларига тегиши мумкин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларга жинлардан сақланиш йўлларини ўргатганлар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени Рамазон закотини қўриқлашга вакил қилдилар. Биров келиб, егуликдан ҳовучлаб ола бошлади. Мен уни тутиб олдим-да, «Аллоҳга қасамки, сени албатта Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб чиқаман», дедим. У: «Мен ҳожатмандман, бола-чақам бор. Қаттиқ муҳтожлигим бор», деди. Мен уни қўйиб юбордим.**

**Тонг отди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Эй Абу Ҳурайра, бу кеча асиринг нима қилди?» - дедилар.**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, қаттиқ муҳтожлиги ва бола-чақаси борлигидан шикоят қилган эди, раҳмим келиб, қўйиб юбордим», дедим. У зот:**

**«Билиб қўй, у сени алдабди. Ҳали яна келади», дедилар. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ҳали яна келади» деган сўзларидан унинг қайтиб келишини билиб, уни пойладим. Келиб, егуликдан ҳовучлаб ола бошлаган эди, уни тутиб олдим. «Сени албатта Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб чиқаман», дедим. У: «Мени қўйиб юбор, чунки мен муҳтожман, бола-чақам бор. Энди қайтиб келмайман», деди. Унга раҳмим келиб, қўйиб юбордим.**

**Тонг отди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:**

**«Эй Абу Ҳурайра, асиринг нима қилди?» дедилар. Мен:**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, қаттиқ муҳтожлиги ва бола-чақаси борлигидан шикоят қилган эди, раҳмим келиб, қўйиб юбордим», дедим. У зот:**

**«Билиб қўй, у сени алдабди. Ҳали яна келади», - дедилар. Уни учинчи марта пойладим. Келиб, егуликдан ҳовучлаб ола бошлаган эди, уни тутиб олдим. «Сени албатта Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб чиқаман. Сен «Қайтиб келмайман», - деб, учинчи марта қайтиб келяпсан», дедим. У:**

**«Мени қўйиб юбор, Аллоҳ сенга манфаат берадиган калималарни ўргатаман», деди. «Нима у?» - дедим. У: «Қачон тўшагингга кирсанг, Оятул-Курсий «Аллоҳу лаа илаҳа илла ҳувал-ҳайюл-қойюм»ни бошидан бошлаб тугатгунигча ўқи. Шунда тонг оттиргунигча**

**Аллоҳ томонидан устингда бир қўриқчи бўлади ва шайтон сенга яқинлаша олмайди», - деди. Уни қўйиб юбордим.**

**Тонг отди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам менга:**

**«Бу кеча асиринг нима қилди?» дедилар. Мен:**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ менга манфаат берадиган калималарни ўргатишини айтган эди, қўйиб юбордим», дедим. У зот:**

**«Улар нима экан?» дедилар.**

**«У менга: «Қачон тўшагингга кирсанг, Оятул-Курсий - «Аллоҳу лаа илаҳа илла ҳувал-ҳайюл-қойюм»ни бошидан бошлаб тугатгунингча ўқи», деди ва менга: «Тонг оттиргунингча Аллоҳ томонидан устингда бир қўриқчи бўлади ва шайтон сенга яқин-лаша олмайди», деб айтди», дедим». Улар (саҳобалар) яхшиликка энг ўч кишилар эди. Шунда Набий соллalloҳу алайҳи васаллам:**

**«Билиб қўй, ўзи ғирт ёлғончи бўлса ҳам, сенга рост айтибди. Уч кечадан бери ким билан гаплашаётганингни биласанми, эй Абу Ҳурайра?» дедилар.**

**«Йўқ», дедим. У зот:**

**«У шайтон эди», дедилар».**

*Имом Бухорий ривоят қилган.*

Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васалламдан Фалақ ва Ан-Нас сураларини ўқиб, дам солиб юриш ҳақида кўплаб ривоятлар ворид бўлган. Ан-Нас сурасининг ўзида жинларнинг ёмонлигидан паноҳ сўраш очиқ-ойдин айтилган.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллalloҳу алайҳи васаллам халога кирсалар, «Аллоҳумма аъзузу бика минал хубуси вал хобаиси» (Аллоҳим, Сендан эркагу урғочи ифлослар(шайтонлар)дан паноҳ тилайман), дер эдилар».**

*Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насий ривоят қилишган.*

Ушбу дуони хало очик жойда бўлса, қазои ҳожатга тайёрланаётган вақтда, махсус жойда бўлса, унга киришдан олдин ўқиш керак. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу дуони доимо ўқир эдилар.

Эркак ва урғочи шайтонлардан паноҳ тилашнинг ҳикмати шуки, одатда хало жойида Аллоҳнинг номи зикр этилмагани учун эркак-урғочи шайтонлар у жойни ўзига қароргоҳ қилиб олган бўлади. Аллоҳдан паноҳ сўрамай кирган одамга зарар етказишлари мумкин. Шунинг учун ушбу ҳадисдаги дуони ёдлаб олиб, халога киришдан олдин ўқишни одатга айлантириш ҳар бир киши учун зарурдир.

***“Фолбинлик, сеҳргарлик, жин чиқариш ва  
ноанънавий даволаш каби ишларнинг ҳақиқати” китобидан***